



ТАНҚИД—ТАНҚИД УЧУН БЎЛМАСИН

Мен бугун Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ходими милиция капитани Комил Тожиёвнинг «Халқ сўзи» рўзмасида эълон қилинган «Менинг милициям мени қўриқлайдими?» сарлавҳали мақоласидаги айрим фикрлар тўғрисида тўхталмоқчиман.

Бу мақола «милициянинг нўноқлиги ҳақидаги фикрлар кўча-кўйда, тўй-маъракаларда одамлар тилидан тушмай қолди», деган сўзлар билан бошланади.

Халқ билан бирга бўлиш, унинг дардини билиш бу жуда яхши нарсас. Халқнинг фикрини ўрганиб, милиция иш фаолиятини шу фикрлар таҳлили асосида олиб бориш ўзининг жуда катта самарасини беради. Шу билан бирга милиция ходимларининг жасоратларини, уларнинг мардлигини, қийин кечадиган хизматларини кўпроқ матбуотда ва бошқа ахборот воситаларида ёритиб бориш керак. Ораминда ишлаб юрган, милиция ходими деган номга доғ тушираётган хизматчиларга ўз вақтида чора кўрсак, фуқароларнинг ариза-шикоятларини, уларнинг бошига тушган қайғу-ҳасратларини, ўзимизнинг бошимизга тушган, деб қараб иш тутсак, халқнинг милиция тўғрисидаги фикри янада яхшиланади. Агар халқнинг ярасига туз сеппиб, милиция ёмон ишлайпти, деб фарёд қилаверсак, менимча, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ўрнига уни янада баттар аҳволга олиб келамиз, шекилли.

Ҳозирги пайтда милициянинг оддий ходимлари 155 сўм, кўп йиллик стажга эга бўлганлари эса 205 сўм ойлик маош олаётти. Бу миқдордаги пул билан шу кунги шароитда қандай қилиб рўзгорни тебратиш мумкин?

Бундан ташқари, яна бир фикримни айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, бошқа соҳада ишлаётган меҳнаткашларнинг иш вақти маълум, белгиланган пайтда ишга келиб, вақтида уйига бориб дам олади. Милиция ходими-чи?!

Оператив вазият оғирлашган вақтларда улар икки, ҳатто уч барабар ортиқча хизмат қилишади. Аммо ўша давр учун бир тийин ҳам қўшимча ҳақ олмайди. Нега милиционерларни ёмон ишлайпти деймиз-у, бу ҳақда ҳеч биримиз гапирмаймиз?!

Ўзгори танг ҳолга тушган пайтлари бу бечоралар энгини шимариб, белини боғлаб, ўзини бошқа мавсумий ишга урولмайди, чидашга тўғри келади, чунки вақти йўқ.

Жумҳуриятимизда ижтимоий-иқтисодий аҳвол кескинлашган вақтларда ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, бола-чақасини қолдириб кетиб, 1-2 ойлаб уйдан йироқда жамоат тартибини сақлайдилар.

Ўтган йили Хива тумани ички ишлар бўлими хизматчиларидан Рўзимбой Худойбергенов, Ражаббой Хўжаиёзовлар қуролланган жиноятчини қўлга олиб, жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолдилар. Шунингдек, яқиндагина, яъни 1991 йилнинг 2 апрелида бир неча бор оғир жиноятларни содир қилганлиги учун ички ишлар идораларидан қочиб юрган, Бутуниттифоқ қидирувида бўлган ўта хавфли жиноятчи Довутшо Асланов бўлимимиз милиционерлари В. Маҳмудов, А. Камолов, З. Собиров, С. Набиқулиев томонидан қўлга олинди. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтиришимиз мумкин. Булар ҳам Хоразм милициясида ишлайдилар-ку!

Демоқчиманки, Комил Тожиёвнинг мақоласидаги айрим фикрлар тўғри. Лекин танқид — танқид учун эмас, иш фаолиятини яхшилаш учун бўлса, унинг самараси кўп бўлар эди. Шунинг учун ҳар бир соҳа тўғрисида қалам тебратаётганда, унинг оқ ва қора томонларига бир хил назар ташлаш, бир хил ниятда ёзиш лозим. Ана ўшанда фикрлар тўлиқ ва холис бўлади.

А. СОБИРОВ,
Хива тумани ИИБ паспорт бўлимасининг катта инспектори милиция капитани.



ҚОТИЛЛИК ОЧИЛДИ

12 май кунги Ургут тумани ИИБга тушган маълумотда мудҳиш воқеа ҳақида хабар берилганди. 1990 йил 15 декабрь кунги бекободлик 28 ёшли А. Рўзиев Ургут тумани «Коммунизм» жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи қайнисининг уйига меҳмон бўлиб келди-ю, сомонга тушган игнадек йўқолди. Маълум бўлишича, ўша кунги почча билан қайни ўртасида жанжал чиққан. Уй эгаси пайғамбарлар улуглаб куёв билан пачакилашиб ўтирмади...

Мурдани эса зог учмаган маҳалда далага кўмиб ташлади. Тергов-қидирув ишлари натижасида А. Рўзиевнинг жасади топилди. Текширишда у қирқма милтиқдан отилгани ва икки марта пичоқ зарбасига учрагани аниқланди. Қотилликда айбланаётган 27 ёшли Н. қамоққа олинди.

Ғ. ЖУРАЕВ.

НАМАНГАН тумани ИИБ ДАНБ ходимлари йўл-транспорт ҳодисалари олдини олиш мақсадида қатнов жадал трассаларда, одамлар гавжум жойларда қоидабузарликка йўл қўймаслик чораларини кўришмоқда.

Йўл назоратчиси милиция кичик лейтенанти Ғани

жон Абдуллаев бу борада бошқа ҳамкасбларига ўрнатилган кўрсатмоқда.

Суратда: милиция кичик лейтенанти Ғанишер Абдуллаев автомашина ҳайдовчиси билан суҳбатлашмоқда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ССЖИ Бош вазири Ўзбекистонда

ССЖИ Бош вазири В. С. Павлов 22 май кунги Тошкентга келди.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССЖ Давлат байроқлари билан безатилган аэропортда В. С. Павловни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов, жумҳурият вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

В. С. Павлов тайёра пиллапояси олдида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

ССЖИ Бош вазири жумҳуриятга сафари мақсадларига тўхталиб, у шу куннинг долзарб вазифалари билан, хусусан бозор муносабатларига ўтиш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бундай муаммолардан энг мураккаби, — деди у, — бозор иқтисодиётига ўтиш пайтида жумҳуриятлар шароитининг бир хил эмаслигидир. Ўнлаб йиллар давомида ихтисослаштиришга зўр бериб келинди: ҳар бир жумҳурият мамлакат иқтисодиётининг умумий вазифаларидан келиб чиқиб у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга, у ёки бу хом ашёни етказиб беришга ихтисослаштирилди. Бу аҳвол аҳоли турмушининг турли даража-

да бўлишига, турли минтақаларда яшовчи кишиларга нисбатан ижтимоий адолатсизликка олиб келди. Бозор — жўшқин нарсас, шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида бир қанча жумҳуриятларда бу муаммолар кескин тус олди. Уларни ҳал қилишга ҳозир жумҳуриятларда юз бераётган аҳволни диққат билан ўрганиб, аниқ ёндашмоқ керак.

Ўзбекистонда юз берган табиий офат келтириб чиқарган вазият менинг бу ерга сафаримни тезлаштирди, деди пировардида Н. С. Павлов. Ўзбек халқига нима билан қандай ёрдам бериш, шу қийин пайтда унга қандай мадад беришни шу жойнинг ўзида аниқлаш лозим. Дўст бошига кулфат тушганда билинади, дейди халқимиз, халқлар ўртасидаги дўстликнинг эса узоқ тарихи, азалий анъаналари бор.

23 май кунги ССЖИ Бош вазири Нукусга жўнаб кетди, у Урганч ва Хивага ҳам боради.

В. С. Павлов билан биргаликда Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н. А. Каримов ҳам жўнаб кетди.

(ЎЗАТАГ).

ИХТИЁРНИНГ «ИХТИРО»СИ

Жиззах шаҳридаги физика-математика мактаб-интернати ўқувчиси Ихтиёр И. Ёш бўлишга қарамасдан анча-мунча кишини «қойиллатадиган»лардан чиқиб қолди. У ҳозирги иқтисодий танглик даврида яхши яшашнинг бошқа йўллари ахтариб топди. Тенгқўрларига ўз ниятини ишлаганди, улар ҳам Ихтиёрнинг «билимдон»лигидан қойил қилиб, дарров рози бўла қолдилар. Шундан сўнг Ихтиёр бошчилигида режа тузилди.

Қўнлардан бир кун Ихтиёр

«дўст»лари — вояга етмаган Бойбек, Алим, Носир, Қўчқорлар билан биргаликда шаҳар марказида жойлашган савдо дўкони биқинидаги овоз ёзиш ва нуска кўпайтириш студиясини яхшилаб кузатдилар. Тўғри соат 12 парда аста-секин келишиб, эшикдаги қулфни арча билан қирқибди-да, ичкари киришди. У ердан 60 сўмлик колонкани, 20 сўму 70 тийин ҳамда 11 сўму 80 тийин турадиган иккита кассетани, 10 сўмлик овоз кучайтиргич шнурини, қисқаси 295 сўмлик молларни ўғирлаб кетишди. Ора-

дан тўрт кун ўтгач, Ихтиёр яна беш-олти нафар жўраларини олди-да, навбатдаги овға чиқди. Бу сафар улар Олмасор бозорининг ичкарисида жойлашган овоз ёзиш ва нуска кўпайтириш студиясига ўғирликка келдилар. Қулфнинг биттасини ўзлари билан олиб келган темир бўлағи ёрдамида уриб синдиришди. Иккинчиси-ни арралашаётганда, Жиззах шаҳар ИИБ ходими милиция катта сержанти Норқул Бердиёров томонидан қўлга олинди.

М. АБДИЕВ.

БАТАН ХИЗМАТИДА

Ташвиш чекманг оналар, ташвишланманг оталар...

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ҳақиқий ҳарбий хизматга навбатдаги қақриқ тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳужжатда энг муҳим жиҳат шундаки, у аввало қақрилувчиларни ҳимоя қилишга қаратилган, ёш ўзбекистонликлар ҳарбий хизматини қандай ўтаётганликларини назорат қилиш учун реал имкониятлар яратилмоқда.

Қарор совет идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари зиммасига «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонуни бажарилишини таъминлаш вазифасини юклайди. Айни пайтда қақриқ Ўзбекистон ССР Президентининг «Республика ёшларини хизматга қақришини ва уларнинг ҳарбий хизматини ўташини таъминлаштириш тадбирлари тўғрисида»ги фармонида қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши лозим. Бу фармон ёшларнинг айниқса қурилиш қисмларига қақрилишидаги ҳимояланишини оширди. Фармон бажарилиши йўлида республика фуқароларини ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга қақриш ва уларнинг хизматини ўташини яхшилаш тўғрисида СССР Қуrollи Кучлари бош штаби билан Ўзбекистон ССР ҳукумати ўртасида битим имзоланди. Бу битим ёшларнинг ҳарбий округларда хизматини ўташларини назорат қилиш ва бунда уларга нормал шароитлар яратиш берилишига эришиш имконини беради.

Мамлакатнинг айрим минтақаларидаги вазият кескин-

лашганлиги муносабати билан қарорда республика ҳарбий комиссариатлари зиммасига Ўзбекистондан қақрилган йигитларни Закавказье ҳарбий округи қўшинларига, Каспий флотилияси ва Қора Денгиз флотининг шу округ ҳудудидаги кучларига, шунингдек Узоқ Шимол районларида жойлашган қўшинларга юбормаслик вазифаси юкланди. Фақат хизматни кўнгилли равишда ана шу жойларда ўташ истagini билдирганлар бундан мустасно.

Қарорда йигитларни республикадан ташқаридаги ҳарбий-қурилиш қисмларига юбормаслик кераклиги айтилган. Туғилган ака-укалари муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳалок бўлган ёки вафот этган фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга қақрилишдан озод қилинади. Қақриқ комиссариатлари маҳаллий советлар ижроия комитетлари билан биргаликда яқкаю ягона ўғилни, ҳатто онлада ундан ташқари меҳнатга лаёқатли қизлар бўлган тақдирда ҳам армияга қақришдан озод қилиш имкониятини яқка тартибда қўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ойладаги кенжа ўғилга ҳам агар унинг акалари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ёки ўтаётган бўлсалар шундай имтиёзлар берилади. Қонуний никоҳда бўлган қақрилувчилар иложи борича Туркистон ҳарбий округининг қисмлари ва тузилмаларига ҳамда мумкин қадар ўз уйига яқинроқ жойга юборилади.

Армиядаги хизмат учун йигитларни танлаб олишда қақриқ комиссариатларнинг роли катта бўлади. Шунинг

учун қарорда бундай комиссияларга СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советлар халқ депутатларининг қиритилиши кўзда тутилган. Комиссиялар барча зарур нарсалар билан таъминланган бўлиши ва қақриқни юксак уюшқоқлик билан ўтказиши лозим.

Қақрилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ўринда ҳам Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг тегишли фармойиши катта аҳамиятга эга. Шу фармойишга мувофиқ армияда хизмат қилишга яроқсиз, деб топиш нормалари иттифоқда қабул қилинган умумий нормалардан юқоридир. Армияга касаллар жўнатилган тақдирда шифокорлар шахсий жавобгарликка тортиладилар. Муносиб номзодлар мамлакатдаги ҳарбий билим юртларига жўнатилади. Бунда туб миллатга мансуб йигитларни конкурсдан ташқари қабул қилиш нормаларига гап-сўзсиз амал қилинади.

Қақрилувчиларни ҳақиқий ҳарбий хизматга жўнатиш шартлари ҳам кўзда тутилган. Уларни жўнатиш уюшқоқлик билан ўтказилиши лозим. Халқ депутатлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари қирадиган махсус комиссиялар қақрилувчилар гуруҳларини ҳарбий қисмларга қузатиб борадилар, уларнинг хизматини ўташ шароитлари билан танишадилар. Совет Армияси сафларидан бўшатирилганлар ҳам эътиборсиз қолдирилмайди. Қарорда, хусусан, уларни

ишга жойлаштириш чоралари кўзда тутилган.

Она ўғлини армияга жўнатади. Лекин йигит у ерда унутилиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Ҳарбий қисм қўмондонлиги битимга амал қилиб, ота-оналарга қақрилувчининг қисмга етиб келганини хабар қилиши шарт. Маҳаллий советлар, жамоат ташкилотлари зиммасига ҳарбий қисмларда оталиқ ишларини кучайтириш вазифаси юкланади. Юртдошларимиз хизмат қилаётган ҳарбий бўлиналарга жамоатчилик вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, профессионал ва ҳаваскор артистлар боришлари мунтазам равишда ташкил қилиб турилади. Жангчилар даврий нашрларини, китобларни, республика ҳаёти тўғрисидаги кинофильмларни олиб туришади. Уйда уларнинг хизмати тўғрисида қариндошлар оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар орқали хабар топиб туришади.

Ўзбекистонда қақриқ бошланди. Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг қарориди қақриқ юксак савияда ўтказилишига қаратилган конкрет тадбирлар белгиланган. Жангчиларсиз армия бўлмайди. Хизматни ўтаб бўлган йигитлар уйга бақувватлашиб, улгайиб қайтадилар. Армия — бу яхши байналмилал тарбия мактаби ҳамдир. Биз ягона мамлакатда яшаймиз. Тўқизта иттифоқдош республика битимини имзолаганлиги ҳам шундан далолат бермоқда. Зарур бўлиб қолса бу мамлакатни ҳаммамиз биргаликда ҳимоя қилишимиз керак бўлади.

ХУШЎРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

Тунги соат ўн яримларда «Зарафшон» ресторанидан гандираклар чиқиб келаётган киши милиция ходимининг диққатини тортди.

— Тўхтаг. Ҳужжатингиз билан танишишга рухсат берсангиз, — деди милиция старшиниси Б. Жободов.

У сўзини тугатар-тугатмас ресторан тарафдан бир киши ҳаллослаганча югуриб келди-да, ходимга мурожаат қилди:

— Ўртоқ старшина, мен ресторан администраториман. Илтимос, шу кишини ичкарига таклиф қилсангиз.

Улар биргалашиб ичкари киришди. Кийимхонада устбошлар ерда сочилиб ётарди.

Бир неча киши «шубҳали» шахс устидаги ўз кийимларини таниб қолишди.

Чимкент вилоятида туғилган, сўнгги пайтда паспортни Олтой ўлкаси Бийек шаҳрининг Васильев кўчасидаги 40-уйнинг 35-хонадонига қайд этилган, 27 ёшли Алексей Грибенкин илгари ҳам ўғирлиги учун Жлгзах шаҳар халқ суди томонидан қамалган экан.

Киров тумани халқ суди унинг бу қилмишини кўриб чиқиб, УЗССЖ ЖМнинг 114-моддасининг III-қисмига асосланиб, 4 йилу 8 ойга озодликдан маҳрум этди.

Холмуҳаммад МУЯДИНОВ, милиция старшиниси, «Постда»нинг жамоатчи мухбири.

БЕГОНА ҚУЗЛАРДАН АСРАШАДИ



СИРНИ МОТОЦИКЛ ОЧИБ ҚЎЙДИ

Яқинда Бахмал тумани ички ишлар бўлимига Бахмал посёлка Кенгаши Худудда жойлашган болалар пансионатидан ташвишли хабар беришди. Кимдир эшикни бузиб кириб, совуттичини ўғирлаб кетган. Бироздан кейин бу ерга туман ИИБнинг жиноят қидирув бўлинимаси катта опервакили, милиция майори Жайнар Бобомуродов, участка вакили, милиция катта лейтенанти Абдумалик Орипов ва милиция лейтенанти Холмат Қўнғиров етиб келишди.

Милиция ходимлари атрофини синчиқлаб қузата бошладилар. Пасткам де-

вор ортидаги кажавали мотоцикл изларидан бошқа дээрли ҳеч қандай белги қолмаганди. Шундан сўнг опергуруҳ аъзолари шу атрофда кимда «ИЖ» кажавали мотоцикли борлигини аниқлашга киришдилар. Тўлиқ рўйхатга тушган мотоциклчилар орасида гумондор шахслар аниқланди ва улар ўрганиб чикилди. Беккелди қишлоғида яшовчи Лолабек Тоғев милиция ходимларини кўпроқ қизиқтириб қолди. Унинг уйи текширилганда, ўғирланган совуттич топилди.

... Лолабекка совуттич керак бўлиб қолди. Иложи борича арзонроқ. Гапдан гап чиққанда, унинг тани-

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинимаси марказлаштирилган соқчиллик пултида ўз ишига фидойи ходимлар кўплаб топилади. Айниқса, қўлга олиш гуруҳи таркибидаги милиционерларнинг хизмати ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Чунки муҳофазадаги турар-жой ёки давлат объектига бегона кишилар кўз олайтиришдан асраш учун баъзан улар ҳаётларини ҳам хавф остига қўйишади. Бунинг қадрига кимдир етади, кимдир...

СУРАТДА: милиция сержанти Ҳабибулла Имомов (чапдан) ва милиция кичик сержанти Аҳмаджон Хотамовлар бириктирилган объектларни кўздан кечириб юрган пайтлари.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

КЕЛИШИЛГАН НАРХ

«Чирчиқ» автобекати биқинида кўплаб таксичилар мижозларни кутиб туришибди.

Улардан бирига яқинлашиб сўрадим:

— Ака, Ҳазалкентга эптиб қўйсангиз.

— Нега кишисизлар?

— Нега кишилигимизнинг нима алоқаси бор?

— Гап шунда-да, дўстим.

— Уч кишимиз.

— Ана, гап бундай бўпти, ҳар бирингиз бешдан бера-

сизлар.

— Ия, ҳисобингиз борку, ўшанга ёзилганини тўлайверамиз-да.

— Унда келишолмадик, ҳозир счётчикка қараб пул оладиган замонлар ўтиб кетди. Хали ҳам гўр экансиз.

— Хўш, нима қилишимиз керак. Шошилиб турибмиз...

— Ҳа, майли «тўрт»дан берақолинглар. Ун икки сўм бўлади.

Шундай қилиб Владимир Торкунов уч йўловчини олиб жўнади. Манзилга етиб боргач, келишувга биноан 12 сўм бердик. Аммо ҳисоб 4 сўму 40 тиинини кўрсатиб турарди.

Текширишлар ҳайдовчи В. Торкунов мижозларнинг ҳақидан 7 сўму 60 тиин уриб қолганини аниқлади.

Шу каби ҳайдовчи А. Исмоилов ҳам йўловчилар Т. Қурбонов, К. Асанов, Р. Абдураҳимовлардан 5 сўму 96 тиин ошқича пул олган.

Бўстонлик тумани халқ суди бу икки шахснинг қилғиликларини тўғри баҳолаб, бир йилгача ўзлари ишга турган корхона ҳисобига 20 фоиздан пул ўтказишга ҳукм чиқарди.

Бундай қинғирликлар автокорхоналарда камми? «Тош-вилоятйўловчитранс» раҳбарлари булардан наҳотки бе-хабар бўлишса...

М. ҲАКИМОВ.

Тун. Дээрли ҳамма ҳордиқ чиқармоқда. Фақат постда турган милиция ходимларига бедор туришибди. Фуқароларнинг беҳавотир дам олишлари шуларга боғлиқ.

Шу ўй билан сергак турган Қўшрабат тумани ИИБ ДАН ходимларининг диққатини Жўш қишлоғи томонидан катта тезликда келаётган «КамАЗ» машинаси тортди.

Ҳайдовчи Олим Эшмуродовнинг ҳамма ҳужжатлари жойида экан. Лекин унинг ҳамроҳи негадир безовта эди.

— Шерингиз ким?

— Билмадим, йўлда миндирдим, — деб шофёр елка қисди.

Нотаниш «мехмон»нинг ёшлари текшириб кўрилганда, чўнтагидан 260 грамм наша чиқди. У илгари тўрт марта судланган, яшаш жойининг тайини йўқ. Александр Антипов экан. «Тоғни томоша қилишга келган» А. Антипов ана қора курсига ўтирадиган бўлди.

Шовқиндин САМИЕВ.

ТУНГИ МЕҲМОН

Тун. Дээрли ҳамма ҳордиқ чиқармоқда. Фақат постда турган милиция ходимларига бедор туришибди. Фуқароларнинг беҳавотир дам олишлари шуларга боғлиқ.

Шу ўй билан сергак турган Қўшрабат тумани ИИБ ДАН ходимларининг диққатини Жўш қишлоғи томонидан катта тезликда келаётган «КамАЗ» машинаси тортди.

Ҳайдовчи Олим Эшмуродовнинг ҳамма ҳужжатлари жойида экан. Лекин унинг ҳамроҳи негадир безовта эди.

— Шерингиз ким?

— Билмадим, йўлда миндирдим, — деб шофёр елка қисди.

Нотаниш «мехмон»нинг ёшлари текшириб кўрилганда, чўнтагидан 260 грамм наша чиқди. У илгари тўрт марта судланган, яшаш жойининг тайини йўқ. Александр Антипов экан. «Тоғни томоша қилишга келган» А. Антипов ана қора курсига ўтирадиган бўлди.

Шовқиндин САМИЕВ.

А. ТОҒАЕВ.



ҒИЛДИРАК ИШҚИБОЗЛАРИ

Кейинги пайтларда Олегнинг кўнгли «мўмай» даромад топишни тусаб қолганди. Нима қилиш лозим? Топди. Энг яхшиси ҳозирги кунда анқонинг уруғи бўлиб турган эҳтиёт қисмларни «қўлга киритиш» керак. Чунки кўпчилик машина минади. Кимгадир ғилдирак керак, бошқа бировга эса пешойна. Бу нарсаларни топиш Олег учун муаммо эмас. Сабаби анчагина ҳайдовчилар худди бойваччадек машинасини тўғри келган жойга қаровсиз ташлаб кетаверади. Ана шулардан хоҳлаганча нарсани «шилиш» мумкин.

Апрелнинг сўнги кунларидан бирида у қалин «дўсти» М. Имерсенов билан Жиззах шаҳридаги Ц-2 ўрами (микрорайон)га келишди. Кўп қаватли уйлар оралаб илгаридан кўз тагига олиб қўйилган хонадонлардан бирининг олдида қараб йўл олишди. Ҳаш-паш дегунча фуқаро Н. Зухуровга қарашли бўлган машинанинг иккита ғилдирагини ечиб олишди-да, го-йиб бўлишди.

Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори Шокир Маматов ва жиноят қидирув бўлини маси бошлиғи милиция капитани

Салим Розиков раҳбарлигидаги изқуварлар ўғрилари тезда қўлга олдилар.

Бировлар мулкига кўз олайтирган О. Кузменко ва М. Имерсенов қилмишига яраша жазо олиши тайин.

А. МУМИНОВ.

СУРАТЛАРДА: Жиззах шаҳар ИИБнинг тергов бўлини маси бошлиғининг ўринбосари милиция катта лейтенанти Нарбулан Намиров ғилдирак ўғриси билан савол-жавоб қилмоқда; ашъий далиллар.

Олег ГАМЗЕНКО олган суратлар.

ҲАМЁН ЎҒРИСИ

Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими милиция катта лейтенанти Ш. Бегимбетов таҳминан соат 16 ларда Абай кўчаси бўйлаб келаётганди. Кўча четидида жойлашган ташкилотлардан бирида кимнингдир қичқирганини эшитди. Шу пайт «Алимент» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси хизматчилари уни ёрдамга чақирди.

Ш. Бегимбетов тасодифан шу ердан ўтиб кетаётган Октябрь тумани ИИБ ходими милиция катта лейтенанти С.

Каленов билан ичкарига кирди.

Шу бирлашма ходимларидан бирининг ҳамёнини ўғирлаган, 24 ёшини қоралаган Ф. Валиев Октябрь тумани ИИБга олиб келинди.

ПУЛ ЎЛСИН-А...

«Уч қаҳрамон» ДАН постида хизматни ўтаётган инспекторлар Э. Раҳмонов ва С. Содиқовлар 81-25 АНЛ рақамли автомобилнинг тўхтатиб кўришди. Комсомолбод автокорхонасига қарашли бўл-

ган бу «КамАЗ» қуритилган мева-чевалар билан лиқ тўла экан.

Тошкент шаҳар Киров тумани ИИБда бу иш атрофлича ўрганиб чиқилди. Илоҳи бўлса, «юлдузини бенарзон уриш»га одалган ҳайдовчи Қобил Қўчқоров ҳамюртлари ризқини қийиб, Қомил мухтор жумҳуриятидаги Ухта шаҳрида истиқомат қилаётган пулдор танишларига 20 минг 952 сўмлик маҳсулотни «армуғон» қилишга бел боғлаган экан.

Ахрор АҚБАРОВ, милиция катта лейтенанти.

ОРОМ НИМАЛИГИНИ БИЛМАЙДИ У

Телефон устма-уст жингиллади. Ёқубжон ҳар галгидек дастанни ўзи кўтарди.

— Эшитаман.

— Ўртоқ майор, оромингизни бузганим учун кечирасиз,— деди ИИБ оператив навбатчиси.

— Ҳечқиси йўқ, нима бўлди?

— Ҳозиргина хабар қилишди. Дўкон қоровулини пичоқлаб кетишибди...

...Милиция ходими бўлиш унинг болалиқдан бошланган беғубор орзуси эди. Айниқса, ҳарбий хизматни ўтаётган пайтларида бу орзу баҳорий тошқиндек кучайди.

1972 йилнинг май ойида эса Самарқанд вилояти ИИБ раҳбариятига ариза кўтариб борди. Ёш офицернинг илтимоси қондирилиб, Самарқанд шаҳар ИИБ қошидаги соқчиллик бўлимига бўлинима командирлиги этиб тайинланди.

Шунга ҳам оз эмас-кўп эмас, 14 йил бўлибди. Бу йиллар Ёқубжон Эргашев учун улғайиш ва тобланиш йиллари бўлиб қолди. Бўлинима командирлигидан ИИБ бошлиғи ўринбосарлигига бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди.

Хизматда ўзига ҳос намуна кўрсатгани учун вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда ички ишлар вазирлиги томонидан бир неча бор тақдирланди. «Милиция аълочиси» нишонига сазовор бўлди.

Табиийки, бундай ҳурмат-эътибор ҳаммага ҳам насиб этавермайди. «Правда» жамоа хўжалиги ҳудудидаги хонадонлардан бирига тушган ўғриларино фоз этишди, Охунбобоев номли жамоа хў-

жалигида мол ўғриларино қўлга олишди, А. Қурбонов номли давлат хўжалигидаги дўконни ўмарганларни тутиб келтиришди унинг мардлик, жасорат, ишбилармонлик кўрсатганини ҳали-ҳануз гапиришди.

Муаммолардан гапирадиган бўлсак, улар ИИБда кўп. Ходимларнинг аксарият қисми четдан келиб ишлайди, марказдан уй-жой билан таъминланмайди. Ҳолбуки, зарур пайтда хоҳ кундузи бўлсин, хоҳ кечаси улар зудлик билан ИИБга етиб келишлари шарт.

Ёки машина ўғрилари ҳақида. Тўғри, жиноятнинг бу тури кўпайиб бораётти. Сабаб нима? Шаҳарда машиналар турадиган пулли жойлар йўқ.

Болаларни келажак медалари, деймиз. Лекин ўша «мева»лар ҳозирдан жиноятга мойил. Бонси туманда бирорта ҳам улар билан шуғулланадиган тайинли марказ йўқ.

Милиция майори Ёқубжон Эргашев энди ИИБ раҳбарларидан бири сифатида ана шу муаммолар устида бош қотириши, турли эшикларни очиб кириб, туман мутасаддилари билан баҳслашиши, талашиб-тортишиши керак. Айни вақтда онда-сонда бўлсада, рўй бераётган жиноятларни очишда бош-қош бўлиши лозим.

...У девордаги соатга қаради. 4 дан 15 дақиқа ўтибди. Шошилиб ИИБга жўнади, чунки оператив гуруҳ аъзолари уни сабрсизлик билан кутишмоқда.

О. БУТАЕВ, Жомбой тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори.

ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

«Хиёнатсиз бўлган савдототув ҳам эзгуликдир».

«Хулосат ал-масойил»дан.

Шу йилнинг 28 апрели, якшанба. Қўшнилари яна чиқибди. Ҳаммасининг саволи бир хил:

«Дўконга қатнаб, асаб чарчайпти. Гўшт сўрасанг йўқ, чой сўрасанг райҳонлиси. Бу ҳол қачонгача давом этади?»

Эртаси — 29 апрель кунини ишга келибқ Фрунзе тумани озиқ-овқат савдо идорасига сим қоқдим. Раҳбар Ғ. Мансуровни топа олмадим. Савдо бўлимига сим қоқдим. У ердан: «Бўлим мудиригиз дам олишда», — деган жавобни айтишди. Ўзини Ким деб таништирган ходима билан сўзлашдим. У: «Чой масаласи билан шуғулланувчи ўртоқ йўқ эди», — деб қутулди. Фрунзе тумани ижроқўмига телефон қилдим. У ердагилар: «Савдо бўлиминиз тугатилган. Истагангиз нарх-наволар билан шуғулланувчи ўртоқни чақирамиз», — дейишди ва Олимжон исмли шахсни чақирдилар.

— Эшитаман, — деди у киши.

Мен мақсадга кўчдим: — Октябрь туманидаги дўконларда Цейлон чойи, Собир Раҳимов, Сирғалида эса Ҳинд чойи тарқатилмоқда. Аммо негадир сизларда райҳонли чойи. Бунини қандай тушуниш мумкин?

— Масалан, қайси дўкон-

да? — саволимга савол олдим.

— Масалан, 17-дўконда. Суҳбатдошим бироз жим турди-да, жавоб айтди:

— Талонда чой деб кўрсатилган. Аммо унинг нави айтилмаган, шунинг учун борини сотишаётгандир. Умуман бизда савдо ишлари билан бир аёл шуғулланади, лекин ҳозир йўқ.

— Ранс ўринбосарларидан бирортаси савдо ишларини назорат қилар?

— Ҳинд чойи бор, дейишганди.

— Кунини кеча тугади-я! — Нега тугайди, масалан мен на апрель, на май ойи учун олганим йўқ-ку!

Аёл индамади. — Биз оддий сотувчимиз, Карим ака (мудир)дан сўранг, — деди сотувчи йигитлардан бири.

Мудир эса дам олаётган экан, ишга чиқмабди. «Оддий сотувчи» билан гаплашиб ўтирмадим. Уйга келиб Октябрь, Сирғали,

дек кўриниб», дўкон эшигида елка сиқиб туришлари лозим.

Энди «тугади», «йўқ» деган жавобларга келсак. Шу йил апрель ойи бошларида Тошкент вилояти фирқа қўмитасидаги йиғинда жумҳурият раҳбарлари апрель ва бундан кейинги ойларида савдода узилиш бўлиши мумкин эмас, зарур маҳсулотлар етарлича тақсимланган, деган мазмунда сўзлашдилар. Лекин негадир савдодаги мутасадди-

оилаларнинг аксарияти кўп болалилар. Гўштсиз овқат, райҳонли чой гўдакларга егулик, ичгулик бўла олмади. Бундан ташқари ўнлаб эмизликли оналар борки, улар кучли овқат ейишлари керак. Шунингдек, 80-90 фоз мусулмон миллатларига хизмат кўрсатувчи бу дўконда «чўққа гўштидан тайёрланган тушёнқа» бериш кимдан чиққан ақл?

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозим: 17- ва 36-дўконлар битта савдо идорасига қарашли. Ораси ҳам унча узоқ эмас. Аммо 36-дўконда гўшт ҳам, Ҳинд чойи ҳам, мол гўштили тушёнқа ҳам, тухум ҳам деярли доимо мавжуд. 17-дўконда аҳвол юқорида баён этганимиздек.

Айб кимда? Дўкон мудиридами ёки туман озиқ-овқат савдо идорасидами? Ушбу саволга жавоб топишни Фрунзе тумани ижроқўми раҳбарларига ҳавола қиламиз.

Сўнги масала: тамаки! Талонда тамаки маҳсулотлари ҳақида алоҳида қайд йўқ. Бироқ олиб сотарларда туридан мавжуд. Бунини қандай тушуниш мумкин? Бу саволга балки шаҳар савдо Бош бошқармасидаги ўртоқлар жавоб айтишар ва талонларга етарли даражада тамаки маҳсулоти белгилашар.

Дилмурод САНДОВ, журналист.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФРУНЗЕ ТУМАНИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

— Албатта, ўртоқ Усмонов.

Ўртоқ Усмонов билан фақат 16 май кунини қўнғироқлаша олдик...

2 май кунини бир қўшним чиқди.

— Э, қойил, раҳмат сизга, бизнинг дўконга ҳам Ҳинд чойи келибди.

Бунини 3 май кунини савдо идорасидагилар ҳам тасдиқлашди. Аммо шу кунини борганлар ҳам чой ололмай келибдилар. Тугаган эмиш.

9 май кунини ўзим бордим.

— Гўштин эртадан тарқатамиз, тухум тугади, — деди талонларга белги қўйиб ўтирган аёл.

— Чой-чи?

— Райҳонли чой бор.

Собир Раҳимов туманларида яшовчи ўртоқларга, касбдошларга қўнғироқ қилдим. Ҳаммаси: «Бизда Ҳинд чойи бор. Цейлон чойи бор», — деб жавоб қилишди.

Маълумки, ҳозир кўчалар аҳолиси ҳафтанинг маълум кунидagina озиқ-овқат харид қилишга чиқадилар. Фрунзе туманидаги 17-дўконда гўшт бор. Аммо бўлакланмаганлиги учун 9 май кунини савдога қўйилмаган. Демак, шу кунини харид қилишга навбати етган Глазунов кўчасидагилар ё келгуси пайшанбани кутишлари керак, ёки эртасинини кунлари бошқа кўча аҳолисининг кўзига «бало-

лар «тугади», «ҳали келмади», «йўқ» деган сўзларни тўтиқушдек эринмай қайтармоқдалар. Фрунзе тумани ижроқўми раисининг ўринбосари Усмонов ҳам: «Сиз махсус мухбир экансиз, хабарингиз бор бўлса керак, базаларда мол йўқ, шундай бўлса-да, бир амаллашмиз», — деган «думи хуржунда» қабилда сўз айтди.

Мен шахсан Фрунзе тумани озиқ-овқат савдо идораси раҳбари Ғ. Мансуров билан икки марта суҳбатлашдим. 17-дўкондаги аҳволни яхшилаш, зарур бўлса, назорат қилиш лозимлигини таъкидладим. Негаки, бу дўконга келувчи

Сураткаш бўлиб ишловчи Бегижон Содиқов Дилмурод Қўшоқовни маиший хизмат кўрсатиш корхонасида хизмат қилувчи ҳамкасби сифатида юзаки биларди. Лекин унинг муқаддам судланган товланган эканлиги етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Йўқса...

Шу йил март ойида Бегижон Дилмуроднинг оқ-қора тасвирда кўрсатилган «Весна» телевизорини 150 сўмга сотиб олди.

— Тўғриси айтсам, Дилмурод, ҳозир чўнтак сал «касал»роқ эди, майли десаңгиз уч-тўрт кун...

— Қизиқмисиз, Бегижон ака, 150 сўм дегани от билан туя эмас, топганингизда берарсиз.

Бағрикенглик ва ишонч кимга ёқмайди, дейсиз. Бегижон ҳамкасбининг топганда берарсиз, деган гапидан бир қоп семирди. Айни пайтда тезроқ пул топиб, тантиликка мардлик билан жавоб қайтармоқчи бўлди. Пулни топди ҳам. Лекин уч-тўрт бориб, Дилмуроднинг ўзини учратолмади. Ҳар сафар киссадаги омонат ва кўнглидаги хижиллик билан қайтаверди.

Шундай одам 5 апрель кунни вилоят давлат хавфсизлик қўмитасига ариза кўтариб борди ва Д. Қўшоқовга нисбатан қонуний чора кўришларини сўради.

Муҳтарам ўқувчи, шошилманг, Бегижонни туз ичиб, тузлигига тупурган-

2 МИНГ СЎМЛИК ҚОРА КҮРСИ

ликда айбашта ошиқманг. Яхшиси воқеа кечимида диққат қилинг.

Бегижон Содиқов пулни эгасига топшириш учун бўзчининг моқисидек қатнаб юрган кунларда Дилмурод Қўшоқов «антиқа режалар» тузиш билан банд эди. Баъзилар халқ ибораси билан айтганда пул топиб, ақл топмайди. У эса бошқачароқ, икковини ҳам топадиганлар хилидан. Бегижондаги 150 сўмни қай йўл билан кўпайтириб олишни ўйларди у. Ниҳоят миясига яшин тезлигида келган фикрдан қувониб кетди.

Зудлик билан туман марказига чиқди. Большевик қишлоғида яшаб, Фаргона политехника олий билимгоҳида таҳсил кўраётган Фозилжон Фармоновни осонгина топди. Виргаликда ошхонага бориб, «оби зам-зам»дан яхшигина тортиш-

ди. Кейин танишлари бўлмиш Авазбек Қўшоқов ва Содиқжон Усмоновлар билан машинага ўтириб, кооператив техникумига йўл олишди. Бегижон Содиқов шу билим маскани қошида очилган суратхонада ишларди.

У меҳмонларни кўрди-ю, пулни ҳанузгача қайтара олмаганидан хижолат чекди.

— Бу ёғи жуда қизиқ бўлдида, Дилмурод, икки-уч сизни излаб бориб, тополмадим, — дея киссасига қўл солди.

— Шошманг, Бегижон ака, — деди Дилмурод унинг гапини чўрт кесиб. Кейин имо билан машинага суяниб турган Фозилжон Фармоновни кўрсатди. — Мана шу одам жуда чатоқ, «ўтириб» чиққан. Ҳозир ҳам ёнида қуроли бор...

Шу пайт узоқдан туриб

«ўтириб чиққан» ҳам гапга аралашди.

— Нимани шивир-шивир қилаясанлар? Ўғил бола бўлсанг, менинг олдимда гаплаш, — деди «келишув»га биноан.

Бу ҳолни кўриб Бегижоннинг рангги қув ўчиб кетди.

— Мен нима қилишим керак? — деб сўради янада овозини пастлатиб.

— 2000 сўм топиб бермасангиз, охири ёмон бўлади. Машинанинг ичида ҳам иккитаси ўтирибди, қаранг.

— Қачон?

— 8 апрель кунни соат ўнда универмаг ёнида учрашамиз.

Шундан кейин икковлон «ўтириб чиққан»нинг олди-га боришди. У Бегижон Содиқовни тешиб юборгудек нигоҳи билан бошдан-оёқ кузатди. Сўнгга совуқ иршайди.

— Бола-чақадан борми?

— Бор, иккита.

— Ҳ, зўрку! Бўлмаса Дилмуроднинг айтганини қил, тушундингми?

Йўл-йўлакай ўз устомонликларидан завқланиб, Бегижоннинг рангги оқариб, тили калмага келмай қолганини эслаб, роса кулишди. Кейин ресторанда базми жамшид қуришди.

4 апрель кунни эса соат 12 ларда Дилмурод Бегижонга қўнғироқ қилди.

— Ҳаракат қилинг, — деди буйруқ оҳангида. — Вақт оз қоляпти. Йўқса, турқини кўрдингизку, уйингизга ўт қўймоқчи.

Ана шундан кейингина Бегижон Содиқов ДХҚга ёрддам сўраб мурожаат қилди.

8 апрель кунни эса белгиланган вақтда, яъни соат ўнда келишилган жойга борди.

— Фу, 300 сўм ҳам пулни, — деди Дилмурод энсаси қотиб. — Соат 15 гача 2000 сўм топиб келинг. Йўқса уларни ушлаб туролмайман.

Ниҳоят соат миллари 15 ни кўрсатди.

Товламачи пулни салмоғини кўриб, енгил тортиди. Лекин бу қувончининг умри қисқа экан, ДХҚ ва ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ҳозирги кунларда тергов ҳаракатлари олиб бориляпти. Ишончимиз комилки, у ва унинг ҳамтовоқлари ўзларни билиб-билмай 2000 сўмга «сотиб» олган суднинг қора курсисига албатта ўтиришади.

С. КАМОЛОВ,
Олтинқўл тумани ИИБ бошлиғи милиция майори.

«УСМИР» ОПЕРАЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУ ЖУДА ФОЙДАЛИ

Кейинги йилларда балоғатга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар кучайиб бораётганлиги ҳаммамизни жиддий ташвишга солиб қўйди. Ҳўш, бунинг сабаби нимада? Бизнингча, уларнинг мактабдан ташқари вақтларда фойдали меҳнат билан шуғулланмаётганлигидир.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ва ижроқўм қошидаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси асосий эътиборни шунга қаратди. Яқинда мактаб ўқувчиларининг таътилга чиқишлари муносабати билан «Усмир» операциясини ўтказишга жиддий киришилди.

Бу борада Илчи туманида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилляпти. Бу ишда мактабларнинг педагогик жамоаси, комсомол, спорт қўмиталари, маданият уйлари хизматчилари фаол қатнашмоқдалар.

Туман биринчилиги учун мактаблараро эркин кураш, волейбол, баскетбол, теннис ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилляпти. Маданият бўлимининг ташаббуси билан барча клубларда болаларга мўлжалланган кино ва мультфильмлар намойиш этиляпти.

ИИБ балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходимлари эса мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказишляпти.

«Усмир» операцияси бошлангандан бери ҳеч қаерда ишламай ёки ўқимай юрган 15 нафар ўспиринлар аниқланди. Уларнинг 10 нафари корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди, қолган 4 нафари эса кечки мактабларга жалб этилди.

Ф. МАЛИКОВ,
милиция капитани.



ЖАРИМА ТўЛАЙДИГАН Бўлди

Ўрта Чирчиқ тумани 1-сонли умумий овқатланиш корхонасининг ошпази З. Сайдуллаевнинг қизқич одати бор экан. Хоҳласа ошпазлик қилади, хоҳламасачи, бемалол қаҳвахонада сотувчилик ҳам қилаверади. Ана шундай савдоси авжига чиққан вақтда у тайга-чақаларни ҳисоблаб ўтирмайди. Шунинг учун бўл-

са керак навбатдаги харидорини 7 сўму 5 тийинга алдаб, ҳаромини ўз киссасига солаётган пайтда милиция ходимлари томонидан ушланди.

Эндигина 27 баҳорин қаршилаган Зулайхо суд ҳукми билан 200 сўм жарима тўлайдиган бўлди.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

ГЕРОИНЛИ АКВАРИУМ

Хитой Халқ жумҳурияти жамоат хавфсизлиги вазирлигининг ходимлари Американинг ҳукумати ва Интерпол вакиллари билан биргаликда муваффақиятли операцияни ўтказишди. Бу операция халқаро наркотикининг энг муҳим тармоғини йўқотишга ёрдам берди. Шанхай аэропортида 4,5 килограмм героин мусодара қилинди. «Оқ акал»ни қутқилмаган жойдан — олтин балиқчаларнинг қо-

ринларидан топишди. Шанхай божхонаси ходимлари Сан-Франциско шахри аквариумларига жўнатилаётган ёпиқ 25 та контейнерларни кўздан кечиришаркан, бир қанча олтин балиқчаларнинг ўлиб ётганлигини кўришди. Ҳар бирининг қоринга герметик целлофан қопчаларга солинган героинлар яширилган экан.

[«Советская милиция»дан].

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Ички ишлар идоралари социалистик мулкчиликка, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигига қаратилган жиноий тажовузларга қарши, шўролар халқининг турмушига, ҳар қандай давлат, жамиятга зид кўринишларга қарши кураш олиб боришга қақирилган.

Ҳозирги кунда мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг кескинлашуви, интизомнинг пасайиши ва жиноятларнинг кўпайиши ички ишлар идоралари ходимларига жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда қатъий талабларни қўймоқда.

Ички ишлар ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий таъминотини юксалтириш, маиший шароитларини яхшилаш йўлида тadbирлар амалга оширилмоқда. Жумҳурият партия ва ҳукумати кўраётган чоралар ҳудудда оператив ва-

зиятний барқарорлаштиришга хизмат қилди, бироқ ички ишлар идоралари шахсий таркибидagi нотўқислик қуттилган натижаларни бермаляпти.

Нотўқисликни бартараф этиш, ИИБ идораларига малакали ходимларни тайёрлаш ва ишда самарадорликни ошириш мақсадида

30 ёшгача бўлган, ўз ҳаётини жиноятчилик билан кураш ва жамоат тартибини қўриқлаш ишига бахшида этмоқчи бўлган, Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, «ВС» тоифадаги профессионал-ҳайдовчилар, алоқачилар

хизматга таклиф этилади.

Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиш мумкин:

33-51-19

39-75-56

56-36-04

ЎзССЖ ИИБ.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗилГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
ЎзССР